



АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТЛАРИДА КЎРСАТИЛАДИГАН АУДИТОРЛИК ХИЗМАТЛАРИ ТАРКИБИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ

Аҳмаджонов Азимжон Каримжон ўғли

Тошкент Кимё халқаро университети мустақил изланувчиси, PhD

Orcid: 0009-0009-6147-7770

Email: akhmadjonov@tpp.uz

DOI: https://doi.org/10.55439/EIT/vol13_iss6/752

Аннотация

Мақолада Ўзбекистон Республикасида аудиторлик хизматлари бозорининг ривожланиши ва акциядорлик жамиятларида кўрсатиладиган аудиторлик хизматлари таркибини такомиллаштириш масалалари тадқиқ этилган. Тадқиқот доирасида 2020-2024 йиллар давомида аудиторлик ташкилотлари ва аудиторларнинг сони, уларнинг ҳудудий тақсимланиши, кўрсатилган хизматлар ҳажми ва даромадлар динамикаси батафсил таҳлил қилинган. Муаллиф томонидан мажбурий ва ташаббус тарзидаги аудиторлик текширувларининг ўзига хос хусусиятлари очиқ берилган ҳамда берилган аудиторлик хулосаларининг турлари бўйича тақсимланиши ўрганилган. Тадқиқотда «Катта тўртлик» халқаро аудиторлик ташкилотларининг фаолияти таҳлил қилинган ва аудиторлик хизматлари таркибини кенгайтиришнинг истиқболли йўналишлари белгиланган.

Калит сўзлар: аудиторлик хизматлари, акциядорлик жамиятлари, мажбурий аудит, ташаббус тарзидаги аудит, турдош хизматлар, аудиторлик хулосаси, профессионал хизматлар.

Аннотация

В статье исследуются вопросы развития рынка аудиторских услуг в Республике Узбекистан и совершенствования состава аудиторских услуг, оказываемых в акционерных обществах. В рамках исследования проведен подробный анализ количества аудиторских организаций и аудиторов, их территориального распределения, объема оказанных услуг и динамики доходов за период 2020-2024 годов. Автором раскрыты особенности обязательного и инициативного аудита, изучено распределение выданных аудиторских заключений по видам. В исследовании проанализирована деятельность международных аудиторских организаций «Большой четверки» и определены перспективные направления расширения состава аудиторских услуг.

Ключевые слова: аудиторские услуги, акционерные общества, обязательный аудит, инициативный аудит, сопутствующие услуги, аудиторское заключение, профессиональные услуги.

Abstract

The article examines the development of the audit services market in the Republic of Uzbekistan and the improvement of the composition of audit services provided in joint stock companies. Within the framework of the research, a detailed analysis was conducted of the number of audit organizations and auditors, their territorial distribution, the volume of services provided and income dynamics for the period 2020-2024. The author disclosed the specific features of mandatory and

initiative audits and studied the distribution of issued audit opinions by types. The study analyzed the activities of the «Big Four» international audit organizations and identified promising directions for expanding the composition of audit services.

Keywords: audit services, joint stock companies, mandatory audit, initiative audit, related services, audit opinion, professional services.

Кириш

Бозор иқтисодиёти шароитида аудиторлик фаолияти молиявий ҳисоботларнинг ишончилигини таъминлаш ва инвесторлар манфаатларини ҳимоя қилишда муҳим роль ўйнайди. Ўзбекистон Республикасида аудиторлик хизматлари бозорини шакллантириш ва ривожлантириш давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бирига айланган. Мамлакатимизда аудиторлик фаолиятининг мустаҳкам меъёрий-ҳуқуқий базаси яратилган бўлиб, унинг ривожланишига қулай шароитлар яратилмоқда ва соғлом рақобат муҳити шаклланмоқда.

Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 25 февралдаги «Аудиторлик фаолияти тўғрисида»ги ЎРҚ-677-сон Қонуни аудиторлик ташкилотлари томонидан кўрсатилиши мумкин бўлган хизматларнинг кенг доирасини белгилаган. Бу қонун аудиторлик текширувлари билан бир қаторда турдош хизматларни кўрсатиш имконини яратган бўлиб, бухгалтерия ҳисобини йўлга қўйиш, молиявий ҳисобот тузиш, маслаҳат бериш, солиқ масалалари бўйича кўмак кўрсатиш ва бошқа профессионал хизматларни ўз ичига олади.

Акциядорлик жамиятларида аудиторлик текширувлари алоҳида аҳамият касб этади. Бу ташкилотлар кўп сонли акциядорларга эга бўлиб, уларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида молиявий ҳисоботларнинг ишончилигини таъминлаш зарур. Мажбурий аудиторлик текшируви акциядорлик жамиятлари, банклар, суғурта ташкилотлари, инвестиция фондлари ва бошқа йирик солиқ тўловчилар учун қонун билан белгиланган талабдир.

Сўнгги йилларда мамлакатимизда аудиторлик ташкилотлари сони ва улар томонидан кўрсатиладиган хизматлар ҳажми барқарор ўсиш тенденциясига эга. Маҳаллий аудиторлик ташкилотлари билан бир қаторда, «Катта тўртлик» деб аталувчи халқаро аудиторлик компаниялари ҳам фаол фаолият олиб бормоқда. Бу жаҳон аудиторлик амалиётининг энг илғор усулларини мамлакатимизга олиб кириш ва аудиторлик хизматлари сифатини ошириш учун қулай шароитлар яратмоқда.

Мазкур тадқиқотнинг мақсади акциядорлик жамиятларида кўрсатиладиган аудиторлик хизматлари таркибини таҳлил қилиш, мавжуд ҳолатни баҳолаш ва уни ривожлантиришнинг истиқболли йўналишларини аниқлашдан иборат.

Адабиётлар шарҳи

Аудиторлик хизматларининг назарий асослари ва амалий жиҳатлари хорижлик ва маҳаллий олимлар томонидан кенг тадқиқ этилган. А.А.Исаев аудиторлик хизмати ва аудиторлик фаолияти тушунчаларини фарқлашнинг зарурлигини таъкидлайди. Унинг фикрига кўра, аудиторлик фаолияти тушунчаси кенгроқ бўлиб, ўзида нафақат бевосита аудиторлик хизматларини кўрсатишни, балки касбга кириш тартиб-таомилларини, аттестация олиш жараёнини ва ўзини ўзи бошқариш ташкилотларига аъзо бўлиш каби жиҳатларни ҳам ифодалайди.

Е.И.Чепурнова аудиторлик хизматининг сифати масаласига алоҳида эътибор қаратади. Унинг таъкидлашича, аудиторлик хизматининг сифати аудиторлик

компанияси персоналини тайёрлаш даражаси юқори бўлишини тақозо этади. Мустақил аудиторлар бозорида мавжуд бўлиш аудиторлик хизматларини юқори даражадаги ликвидли товар сифатида акс эттиради ва мижозга ўзига энг муносиб аудиторни танлаш имконини беради. Бозор, аудиторлар ва мижозлар билан бир қаторда, давлат ва ташқи ахборот фойдаланувчилари ҳам аудиторлик хизматларининг сифатига юқори даражали талабларни қўяди.

А.А.Марьяна аудиторлик фаолиятини кенг маънода талқин қилади. Унинг фикрича, аудиторлик фаолияти ўзида нафақат юридик шахслар, яқка тартибдаги тадбиркорлар, жамоат ташкилотлари ва давлат вакиллик органларининг шахсан аудитни ўтказиш ва турдош хизматларни кўрсатишда амалга оширадиган фаолиятини, балки аудиторлик ташкилотлари ва аудиторлар фаолиятини тартибга солиш ва назорат қилиш билан боғлиқ фаолиятни ҳам ифода этади.


Е.В.Анохова аудиторлик фаолиятини тартибга солиш бўйича давлат сиёсатининг аҳамиятини қайд этади. Унинг фикрига кўра, аудиторлик хизматлари бозорининг ишлаш натижаларига унинг ривожланиш йўналишини белгилаш орқали ҳал қилувчи таъсир кўрсатилади. Ушбу иқтисодий сиёсатнинг натижадорлиги кўп жиҳатдан давлат ва касбий ҳамжамиятнинг аудиторлик фаолиятини тартибга солишдаги иштироки даражаси оқилона уйғунлаштирилишига боғлиқ.

Ўзбекистон Республикасининг «Аудиторлик фаолияти тўғрисида»ги ўРҚ-677-сон Қонуни аудиторлик ташкилотлари томонидан кўрсатилиши мумкин бўлган хизматларнинг тўлиқ рўйхатини белгилайди. Бу рўйхатга бухгалтерия ҳисобини йўлга қўйиш ва юритиш, молиявий ҳисобот тузиш, маслаҳат бериш, солиқ масалалари бўйича кўмак кўрсатиш, молия-хўжалик фаолиятини таҳлил қилиш, семинарлар ва конференциялар ўтказиш ҳамда бухгалтерия ҳисобини автоматлаштириш бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш киради.

Тадқиқот методологияси

Тадқиқот амалга ошириш жараёнида статистик маълумотларни таҳлил қилиш, таққослаш ва умумлаштириш усулларида комплекс фойдаланилган. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлигининг расмий маълумотлари, аудиторлик ташкилотларининг рўйхатидан олинган статистик кўрсаткичлар ва «Катта тўртлик» халқаро аудиторлик компанияларининг глобал ҳисоботлари тадқиқотнинг эмпирик базасини ташкил этган.

Аудиторлик ташкилотлари ва аудиторларнинг сони динамикасини ўрганишда 2020-2024 йиллар давридаги маълумотлар таҳлил қилинган.



1-расм. 2020-2024 йилларда Ўзбекистонда фаолият олиб бораётган аудиторлик ташкилотлари ва аудиторлар сони¹.

Бу давр мобайнида аудиторлик бозорининг ривожланиш тенденцияларини аниқлаш учун йиллик ўсиш суръатлари ҳисоблаб чиқарилган. Аудиторлик ташкилотлари ва аудиторларнинг ҳудудий тақсимланиши алоҳида ўрганилган.

1-жадвал.

2020-2024 йилларда Ўзбекистон Республикасида фаолият кўрсатган аудиторлик ташкилотлари ва аудиторларнинг ҳудудлар бўйича тақсимланиши (нафар)²

Ҳудудлар / йиллар	Аудиторлик ташкилотлари					Аудиторлар*				
	2020	2021	2022	2023	2024	2020	2021	2022	2023	2024
Қорақалпоғистон Республикаси	2	2	2	2	2	11	14	10	10	10
Андижон вилояти	6	4	7	8	10	41	45	48	48	50
Бухоро вилояти	1	1	1	1	1	12	12	14	14	14
Жиззах вилояти	1	1	2	2	2	12	11	12	12	12
Қашқадарё вилояти	3	3	3	3	3	23	19	26	26	26
Навобий вилояти	2	2	3	3	3	8	9	13	13	13
Наманган вилояти	3	3	4	4	7	36	36	32	32	32
Самарқанд вилояти	4	4	5	5	5	26	30	32	32	32
Сурхондарё вилояти	1	1	2	2	2	7	9	10	10	10
Сирдарё вилояти	2	2	1	1	1	10	11	4	4	4
Тошкент вилояти	1	1	1	1	2	37	38	46	46	46

¹ <http://audit.mf.uz/reestr.xhtml>

² Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий ва молия вазирлиги маълумотлари. <https://www.mf.uz/ru/auditorskaya-deyatelnost.html#openModal-about>

Худудлар / йиллар	Аудиторлик ташкилотлари					Аудиторлар*				
	2020	2021	2022	2023	2024	2020	2021	2022	2023	2024
Фарғона вилояти	7	6	7	10	13	43	52	38	38	65
Хоразм вилояти	2	2	2	2	2	17	22	12	12	12
Тошкент шаҳри	64	64	86	99	106	289	343	584	765	867
Жами	99	96	126	138	162	572	651	881	1003	1226

Кўрсатилган хизматлар ҳажмини таҳлил қилишда аудиторлик ташкилотларини нарҳлар бўйича гуруҳлаштириш усулидан фойдаланилган.

2-жадвал.

Кўрсатилган хизматлар ҳажмининг турли кўрсаткичлари бўйича аудиторлик ташкилотларининг тақсимланиши³

Аудиторлик ташкилотлари томонидан кўрсатилган хизматлар ҳажми, млн со‘м/йиллар	Аудиторлик ташкилотларининг умумий сонидаги улуши, %					Кўрсатилган хизматларнинг умумий ҳажмидаги улуши, %				
	2019	2020	2021	2022	2023	2019	2020	2021	2022	2023
50,0 дан кам	-	3	4,2	9,7	9,0	-	0,1	0,6	0,0	0,0
50,0 - 200,0	16,1	15,2	3,1	13,7	14,4	1,5	0,9	0,1	0,5	0,3
200,0 - 700,0	50,5	44,4	32,3	33,9	31,9	14,2	8,7	4,1	4,4	3,1
700,0 - 1000,0	14	15,2	16,7	6,5	8,5	8,9	6,1	3,9	1,5	2,1
1000,0 - 5000,0	19,4	17,1	34,4	25,0	23,0	75,4	18,6	20,7	13,1	13,6
5000,0 дан юқори	-	5,1	9,4	11,3	13,3	-	65,6	70,6	80,4	80,9

Бу усул турли категориядаги аудиторлик ташкилотларининг бозордаги улушини аниқлашга имкон берган. Мажбурий ва ташаббус тарзидаги аудиторлик текширувлари бўйича статистик маълумотлар алоҳида гуруҳлаштирилган ва таҳлил қилинган.

3-жадвал.

Аудиторлик текширувлари ўтказилган хўжалик юритувчи субектлар сони⁴

Худуд/йиллар	2020		2021		2022		2023		2024	
	Мажбурий ва ташаббус тарзидаги аудиторлик текшируви ўтказилган хўжалик юритувчи субектлар сони	шу жумладан, АХС бўйича	Мажбурий ва ташаббус тарзидаги аудиторлик текшируви ўтказилган хўжалик юритувчи субектлар сони	шу жумладан, АХС бўйича	Мажбурий ва ташаббус тарзидаги аудиторлик текшируви ўтказилган хўжалик юритувчи субектлар сони	шу жумладан, АХС бўйича	Мажбурий ва ташаббус тарзидаги аудиторлик текшируви ўтказилган хўжалик юритувчи субектлар сони	шу жумладан, АХС бўйича	Мажбурий ва ташаббус тарзидаги аудиторлик текшируви ўтказилган хўжалик юритувчи субектлар сони	шу жумладан, АХС бўйича
Республика бўйича	5467	492	5098	870	6344	3443	6102	6633		
Тошкент шаҳри	3281	421	3105	806	4159	2096	3896	4036		
Бошқа худудлар	2186	71	1993	64	2185	1 347	2026	2597		

³ Статистик маълумотлар асосида муаллиф томонидан тузилган.

⁴ Иқтисодиёт ва молия вазирлиги маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган.

Берилган аудиторлик хулосаларини таҳлил қилишда турларга ажратиш усулидан фойдаланилган.


4-жадвал.

Берилган аудиторлик хулосаларининг турлари бўйича тақсимланиши⁵

Берилган аудиторлик хулосаларининг турлари/йиллар	Берилган аудиторлик хулосаларининг умумий сондаги улуши, %				
	2020	2021	2022	2023	2024
Берилган аудиторлик хулосалари - жами	100	100	100	100	100
шу жумладан:					
Ижобий фикр билдирилган	92,4	89,4	85,3	85	87,9
Салбий фикр билдирилган	2,4	2,7	2,8	2	1,7
Изоҳлар билан фикр билдирилган	4,9	7,7	11,8	10	10,3
Фикр билдириш рад этилган	0,3	0,2	0,1	3	0,1

Ижобий фикр билдирилган, салбий фикр билдирилган, изоҳлар билан фикр билдирилган ва фикр билдириш рад этилган хулосаларнинг нисбий улушлари ҳисобланган. Бу аудиторлик текширувларининг сифатини ва корхоналарнинг молиявий ҳисоботларининг ишончлилик даражасини баҳолаш имконини берган.

Аудиторлик ташкилотларининг даромадлари динамикасини ўрганишда трендларни аниқлаш усулидан фойдаланилган.



2-расм. 2020-2024 йилларда Ўзбекистон Республикасидаги аудиторлик ташкилотларининг даромадлари динамикаси⁶.

«Катта тўртлик» халқаро аудиторлик компанияларининг фаолиятини таҳлил қилишда уларнинг даромадларини минтақалар ва хизматлар турлари бўйича тақсимлаш усулидан фойдаланилган.

⁵ Иқтисодийёт ва молия вазирлиги маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган.

⁶ Статистик маълумотлар асосида муаллиф томонидан тузилган.

2020-2024 йилларда “Катта тўртлик” аудиторлик ташкилотлари даромадларининг минтақалар ва аудит хизматлари бўйича тақсимланиши (млрд доллар)⁷

Кўрсатилган хизматлар / йиллар		2020	2021	2022	2023	2024
Deloitte	Европа	15,0	16,7	21,2	21,9	21,9
	Америка	25,3	25,2	30,6	31,2	31,2
	Осиё	7,5	8,5	13,1	13,8	13,8
	Даромадларининг аудит хизматлари бўйича тақсимланиши (млрд доллар)					
	Аудит бўйича хизматлар	9,9	10,5	14,0	14,7	14,7
	Солиқ бўйича хизматлар	8,7	8,9	10,7	11,0	11,0
	Консалтинг хизматлари	19,8	20,8	26,7	26,7	26,7
	Бошқа хизматлар	9,4	10,2	13,5	14,1	14,1
Жами	47,6	50,2	64,9	67,2	67,2	
PwC	Европа	16.6	17.9	19.0	21.0	21.0
	Америка	18.2	18.3	21.3	23.3	23.3
	Осиё	8.1	8.8	9.8	10.8	10.8
	Даромадларининг аудит хизматлари бўйича тақсимланиши (млрд доллар)					
	Аудит бўйича хизматлар	16.3	17.1	18.0	20.3	20.3
	Солиқ бўйича хизматлар	10.5	11.0	11.6	12.9	12.9
	Консалтинг хизматлари	16.0	17.0	20.7	22.7	22.7
	Бошқа хизматлар	0.2	0.1	0.1	0.3	0.3
Жами	43.0	45.1	50.3	55.4	55.4	
Ernst & Young	Европа	14.2	15.6	18,2	19,1	19,1
	Америка	17.1	17.6	23,6	24,3	24,3
	Осиё	5.8	6.6	7,4	8,0	8,0
	Даромадларининг аудит хизматлари бўйича тақсимланиши (млрд доллар)					
	Аудит бўйича хизматлар	12.8	13.5	15,1	15,1	15,1
	Солиқ бўйича хизматлар	9.7	10.4	12,1	12,1	12,1
	Консалтинг хизматлари	10.4	11.1	16,1	16,1	16,1
	Бошқа хизматлар	4.1	4.7	6,1	6,1	6,1
Жами	37.2	39.9	49,4	51.2	51.2	
KPMG	Европа	12,7	14,2	15,7	16,7	16,7
	Америка	11,2	11,9	14,6	15,4	15,4
	Осиё	5,2	6,0	6,1	6,6	6,6
	Даромадларининг аудит хизматлари бўйича тақсимланиши (млрд доллар)					
	Аудит бўйича хизматлар	11,0	11,4	12,6	13,6	13,6
	Солиқ бўйича хизматлар	6,5	7,0	7,9	8,6	8,6
	Консалтинг хизматлари	11,7	13,6	15,8	16,8	16,8
	Бошқа хизматлар	0,1	0,1	0,1	0,1	0,1
Жами	29,2	32.1	36,4	38,4	38,4	
“Катта тўртлик” аудиторлик ташкилотларининг жами даромадлари		157,0	167,3	201,0	212.2	212.2

⁷ А. Сатторов. “Аудиторлик фаолиятининг кўп поғонали тизимини такомиллаштириш” мавзусида иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори илмий даражани олиш учун ёзилган диссертация авторефератидан фойдаланган ҳолда муаллиф томонидан такомиллаштирилган.

<https://www2.deloitte.com/global/en/pages/about-deloitte/articles/global-impact-report/global-report-business.html>

<https://www.pwc.com/gx/en/about/global-annual-review-2021.html>

https://www.ey.com/en_gl/news/2021/09/ey-reports-global-revenues-of-us-40b-in-2021-and-outlines-record-us-10b-investment-plan-over-next-three-years

<https://home.kpmg/xx/en/home/media/press-releases/2021/12/kpmg-reports-global-revenues-of-usd-32-billion-for-fy21.html>

Аудит, солиқ, консалтинг ва бошқа хизматлардан олинган даромадларнинг нисбий улушлари ҳисоблаб чиқарилган ва таққосланган.

Таҳлил ва натижалар муҳокамаси

Ўзбекистон Республикасида аудиторлик хизматлари бозорининг ривожланиши сўнгги йилларда ижобий тенденцияларга эга бўлган. Аудиторлик ташкилотлари томонидан кўрсатилиши мумкин бўлган хизматлар таркиби кенг бўлиб, улар акциядорлик жамиятларининг турли эҳтиёжларини қондиришга қаратилган. Бухгалтерия ҳисобини йўлга қўйиш, қайта тиклаш ва юритиш, шу жумладан молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари бўйича ҳисобот тузиш хизматлари алоҳида аҳамият касб этади.

Аудиторлик ташкилотлари юридик шахсларнинг тафтиш комиссияси вазифаларини амалга ошириш, инвестиция активларини ишончли бошқариш ҳуқуқига эга. Бухгалтерия ҳисобини юритиш ва молиявий ҳисобот тузиш масалалари бўйича маслаҳат бериш хизматлари корхоналарга ўз ҳисоб сиёсатини такомиллаштириш ва халқаро стандартлар талабларига мувофиқлаштиришга ёрдам беради.

Солиқ маслаҳатчилари иштирокида солиққа оид қонунчиликни қўллаш, солиқлар ва йиғимлар бўйича ҳисоб-китоблар ва декларациялар тузиш юзасидан маслаҳатлар бериш хизматлари корхоналарнинг солиқ юқини оптималлаштиришга хизмат қилади. Молия-хўжалик фаолиятини таҳлил қилиш ва молиявий режалаштириш, шу жумладан бизнес-режалар тайёрлаш хизматлари корхоналарнинг стратегик ривожланишини режалаштиришда муҳим роль ўйнайди.

Аудиторлик ташкилотлари семинарлар ва конференциялар ўтказиш орқали бухгалтерия ҳисоби, аудит ва молиявий ҳисобот, солиқ солиш масалалари бўйича билимларни тарқатиш ва малакани ошириш имконини яратадилар. Бухгалтерия ҳисобини юритишни автоматлаштириш ва молиявий ахборотнинг ахборот хавфсизлиги бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш замонавий рақамлаштириш даврида алоҳида долзарблик касб этмоқда.

Аудиторлик ташкилотлари ва аудиторлар сонининг динамикаси бозорнинг барқарор ривожланишини кўрсатади. 2024 йил 1 январь ҳолатига кўра, мамлакатимизда 162 та аудиторлик ташкилотлари ва 1226 та аудиторлар фаолият олиб бормоқда. Таҳлил маълумотларидан кўринадики, 2020-2024 йиллар давомида аудиторлик ташкилотлари сони сезиларли даражада кўпайиш тенденциясига эга бўлган. Аудиторлар сонига эса янада юқори ўсиш кўрсаткичлари кузатилган. Жумладан, 2024 йилда 2020 йилга нисбатан аудиторлар сони 654 нафарга кўпайган бўлиб, бу тахминан икки баравар ўсишни ташкил этади.

Аудиторлик ташкилотлари ва аудиторларнинг ҳудудлар бўйича тақсимланиши нотекистик билан характерланади. Аудиторлик фаолияти субъектларининг энг катта қисми Тошкент шаҳрига тўғри келади. 2024 йилда Тошкент шаҳрида 106 та аудиторлик ташкилоти ва 867 нафар аудитор фаолият юритган. Бу умумий сондан мос равишда 65,4 фоиз ва 70,7 фоизни ташкил этади. Андижон ва Фарғона вилоятлари иккинчи ва учинчи ўринларни эгаллаб, мос равишда 50 ва 65 нафар аудитор билан аудиторлик хизматлари бозорида муҳим иштирокчилардир.

Бироқ айрим ҳудудларда аудиторлик фаолияти субъектларининг сони жуда кам. Масалан, Навоий ва Сурхондарё вилоятларида жами 13 ва 10 нафар аудиторлар иш юритади. Бундай ҳудудий нотекистик бу ҳудудлардаги корхоналарнинг сифатли

аудиторлик хизматларига йўл очишини чеклайди ва аудиторлик бозорини ривожлантириш зарурлигини кўрсатади.

Кўрсатилган хизматлар ҳажмининг турли кўрсаткичлари бўйича аудиторлик ташкилотларининг тақсимланиши бозорнинг диверсификациялашганлигини кўрсатади. 2023 йилда 50 млн сўмдан кам хизмат кўрсатган аудиторлик ташкилотлари умумий даромаднинг атиги 0,0 фоизини ташкил этган. 50 млн сўмдан 200 млн сўм оралиғида хизмат кўрсатган ташкилотлар 14,4 фоизни ташкил этиб, умумий даромаднинг 0,3 фоизини олганлар.

200 млн сўмдан 700 млн сўм оралиғида хизмат кўрсатган аудиторлик ташкилотлари умумий сондан 31,9 фоизни ташкил этган бўлса, улар умумий даромаднинг 3,1 фоизини олганлар. 700 млн сўмдан 1 миллиард сўм оралиғидаги хизматлар кўрсатган ташкилотлар 8,5 фоизни ташкил этиб, умумий даромаднинг 2,1 фоизини олганлар. 1 миллиарддан 5 миллиард сўм оралиғида хизмат кўрсатган ташкилотлар 23,0 фоизни ташкил этган ва умумий даромаднинг 13,6 фоизини олганлар.

Энг диққатга сазовор кўрсаткич шундаки, 5 миллиард сўмдан юқори хизматлар кўрсатган аудиторлик ташкилотлари умумий сондан 13,3 фоизни ташкил этсада, улар умумий даромаднинг 80,9 фоизини олганлар. Бу йирик аудиторлик ташкилотларининг бозорда устунлик қилишини ва улар асосан йирик клиентлар билан ишлашини кўрсатади.

Мамлакатимизда амалдаги қонунларга кўра, банклар, суғурта ташкилотлари, инвестиция фондлари ва бошқа йирик ташкилотлар мажбурий аудиторлик текширувдан ўтказилади. Юридик шахс, унинг мулкдори, устав фондида камида беш фоиз миқдоридаги улушга эга бўлган иштирокчилар ва акциядорлар, шунингдек назорат қилувчи ёки ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ташаббус тарзидаги аудиторлик текширувининг буюртмачилари бўлиши мумкин.

Аудиторлик текширувларини амалга ошириш тартиби аниқ белгиланган ва тартибга солинган. Назорат қилувчи ёки ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг ташаббуси билан ўтказиладиган текширувлар махсус шартнома асосида амалга оширилади. Муҳими шундаки, назорат қилувчи органлар айти бир аудиторлик ташкилотини бир хўжалик юритувчи субъектнинг фаолиятини текшириш учун бир неча марта жалб қилиш имконига эга эмаслар. Бу тамойил аудиторлик текширувларининг объективлигини таъминлаш мақсадида жорий этилган.

2020 йилда мажбурий ва ташаббус тарзидаги аудиторлик текшируви ўтказилган хўжалик юритувчи субъектлар сони 5467 тани ташкил этган бўлса, шундан 492 таси аудитнинг халқаро стандартлари бўйича текширилган. 2021 йилда бу кўрсаткич 5098 тага (шундан 870 таси АХС бўйича) тушган бўлса-да, 2022 йилда 6344 тага (шундан 3443 таси АХС бўйича) кўтарилган. 2023 йилда 6102 та ва 2024 йилда 6633 та хўжалик юритувчи субъектларда аудиторлик текширувлари ўтказилган. Халқаро аудит стандартлари бўйича ўтказиладиган текширувларнинг улушининг ошиши мамлакатимизнинг халқаро амалиётга интеграциялашувининг натижасидир.

Аудиторлик хулосаси молиявий ҳисоботнинг ишончлилиги ва бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонунчилик талабларига мувофиқлиги тўғрисида аудиторлик ташкилотининг ёзма шаклда ифодаланган фикрини ўз ичига олади. 2024 йилда жами берилган хулосаларнинг 87,9 фоизига ижобий, 1,7 фоизига салбий, 10,3 фоизига

изоҳлар билан хулоса берилган ва 0,1 фоизига хулоса бериш рад этилган. Ижобий хулосалар улушининг юқори даражаси корхоналарнинг молиявий ҳисоботлари умумий ҳолатининг қониқарли эканлигини кўрсатади.

Аудиторлик ташкилотларининг даромадлари динамикаси бозорнинг барқарор ўсишини тасдиқлайди. 2020 йилда аудиторлик ташкилотлари томонидан 206,4 миллиард сўм миқдорида хизматлар кўрсатилган бўлса, 2021 йилда бу кўрсаткич 321,1 миллиард сўмга, 2022 йилда 437,76 миллиард сўмга ва 2023 йилда 506 миллиард сўмга етган. Тўрт йил давомида даромадлар икки баробардан ортиқ ошган бўлиб, бу аудиторлик хизматларига бўлган талабнинг доимий ўсишини кўрсатади.

Мажбурий аудиторлик текширувлари бўйича берилган хулосаларнинг тақсимланиши турли тоифадаги ташкилотларнинг аудитдан ўтишини акс эттиради. 2021 йилда аудиторлик ташкилотлари томонидан берилган умумий хулосаларнинг 73,1 фоизини мажбурий аудиторлик текшируви бўйича ва 26,9 фоизини ташаббус тарзидаги аудиторлик текширувлари бўйича хулосалар ташкил этган. Мажбурий аудиторлик текшируви бўйича берилган хулосаларнинг ичида устав фондида давлатга тегишли улуш бўлган хўжалик юритувчи субъектлар ва давлат унитар корхоналари 34,4 фоизни, акциядорлик жамиятлари 15,4 фоизни ташкил этган.

Манбалари юридик ва жисмоний шахсларнинг ихтиёрий бадаллари бўлган хайрия фондлари ва бошқа ижтимоий фондлар 5,1 фоизни, банклар ва бошқа кредит ташкилотлари 2,6 фоизни, суғурта ташкилотлари 1,3 фоизни ташкил этган. Бу тақсимланиш турли соҳалардаги корхоналарнинг мажбурий аудитдан ўтиш эҳтиёжини акс эттиради ва аудиторларнинг кенг малака доирасига эга бўлиши зарурлигини кўрсатади.

«Катта тўртлик» халқаро аудиторлик ташкилотлари жаҳон аудиторлик хизматлари бозорида етакчи ўринни эгаллайди. «Deloitte», «PwC», «Ernst & Young» ва «KPMG» компаниялари асосий фаолият тури аудиторлик текширувлари бўлса-да, уларда профессионал хизматлардан олинган ялпи даромад салмоқли ўринни эгаллайди. Солиқ, консалтинг ва бошқа хизматларни кўрсатиш орқали бу компаниялар йирик даромадларга эга бўладилар.

«Катта тўртлик»нинг минтақалар бўйича даромадлари тақсимланиши уларнинг глобал характерини кўрсатади. 2024 йилда «Deloitte» компанияси умумий даромад сифатида 67,2 миллиард доллар топган бўлиб, шундан Америка қитъасида 31,2 миллиард доллар, Европада 21,9 миллиард доллар ва Осиёда 13,8 миллиард доллар даромад олинган. Аудит бўйича хизматлар 14,7 миллиард долларни, солиқ бўйича хизматлар 11,0 миллиард долларни, консалтинг хизматлари 26,7 миллиард долларни ва бошқа хизматлар 14,1 миллиард долларни ташкил этган.

«PwC» компанияси 2024 йилда 55,4 миллиард доллар даромад олган. Америка қитъасида 23,3 миллиард доллар, Европада 21,0 миллиард доллар ва Осиёда 10,8 миллиард доллар даромад олинган. Аудит бўйича хизматлар 20,3 миллиард долларни, солиқ бўйича хизматлар 12,9 миллиард долларни, консалтинг хизматлари 22,7 миллиард долларни ташкил этган.

«Ernst & Young» компанияси 2024 йилда 51,2 миллиард доллар даромад олиб, Америка қитъасида 24,3 миллиард доллар, Европада 19,1 миллиард доллар ва Осиёда 8,0 миллиард доллар даромад олинган. Аудит бўйича хизматлар 15,1 миллиард

долларни, солиқ бўйича хизматлар 12,1 миллиард долларни, консалтинг хизматлари 16,1 миллиард долларни ташкил этган.

«KPMG» компанияси 2024 йилда 38,4 миллиард доллар даромад олган. Америка қитъасида 15,4 миллиард доллар, Европада 16,7 миллиард доллар ва Осиёда 6,6 миллиард доллар даромад олинган. Аудит бўйича хизматлар 13,6 миллиард долларни, солиқ бўйича хизматлар 8,6 миллиард долларни, консалтинг хизматлари 16,8 миллиард долларни ташкил этган.

«Катта тўртлик» компанияларининг жами даромади 2024 йилда 212,2 миллиард долларни ташкил этган. Барча компаниялар учун консалтинг хизматлари даромадларнинг муҳим қисмини ташкил этади. Бу профессионал хизматларнинг диверсификациясининг аҳамиятини ва аудиторлик ташкилотлари учун турдош хизматларни ривожлантириш зарурлигини кўрсатади.

Америка қитъасида аудиторлик ташкилотларининг улуши Европа ва Осиё давлатлариникига нисбатан анча юқори. 2024 йилда «PwC» компанияси Америкада энг кўп даромад топган компания бўлиб, ундан кейинги ўринларни «Deloitte», «Ernst & Young» ва «KPMG» эгаллаган. Европа бозорида барча тўрт компания ҳам деярли тенг улушларга эга.

Мамлакатимизда «Катта тўртлик» аудиторлик ташкилотлари ҳамда халқаро тармоққа кирган бошқа аудиторлик компаниялари фаолият олиб боради. Бу маҳаллий ва хорижий аудиторлик ташкилотлари ўртасида соғлом рақобат муҳитини яратади. Халқаро аудиторлик компанияларининг иштироки маҳаллий аудиторларга жаҳон амалиётининг энг илғор усуллари ўрганиш ва қўллаш имконини беради.

Хулоса ва таклифлар

Тадқиқот натижалари Ўзбекистон Республикасида аудиторлик хизматлари бозорининг барқарор ривожланишини кўрсатади. 2020-2024 йиллар давомида аудиторлик ташкилотлари ва аудиторлар сони сезиларли даражада ошган, кўрсатилган хизматлар ҳажми ва даромадлар икки баробардан ортиқ ўсган. Акциядорлик жамиятларида кўрсатиладиган аудиторлик хизматлари таркиби кенг бўлиб, бухгалтерия ҳисобини юритиш, молиявий ҳисобот тузиш, маслаҳат бериш, солиқ масалалари бўйича кўмак кўрсатиш ва бошқа профессионал хизматларни ўз ичига олади.

Ташкилотларининг даромадлари динамикаси бозорнинг барқарор ўсишини тасдиқлайди. 2020 йилда аудиторлик ташкилотлари томонидан 206,4 миллиард сўм миқдорида хизматлар кўрсатилган бўлса, 2021 йилда бу кўрсаткич 321,1 миллиард сўмга, 2022 йилда 437,76 миллиард сўмга ва 2023 йилда 506 миллиард сўмга етган. Тўрт йил давомида даромадлар икки баробардан ортиқ ошган бўлиб, бу аудиторлик хизматларига бўлган талабнинг доимий ўсишини кўрсатади.

Мажбурий аудиторлик текширувлари бўйича берилган хулосаларнинг тақсимланиши турли тоифадаги ташкилотларнинг аудитдан ўтишини акс эттиради. 2024 йилда аудиторлик ташкилотлари томонидан берилган умумий хулосаларнинг 73,1 фоизини мажбурий аудиторлик текшируви бўйича ва 26,9 фоизини ташаббус тарзидаги аудиторлик текширувлари бўйича хулосалар ташкил этган. Мажбурий аудиторлик текшируви бўйича берилган хулосаларнинг ичида устав фондида давлатга тегишли улуш бўлган хўжалик юритувчи субъектлар ва давлат унитар корхоналари 34,4 фоизни, акциядорлик жамиятлари 15,4 фоизни ташкил этган.

Манбалари юридик ва жисмоний шахсларнинг ихтиёрий бадаллари бўлган хайрия фондлари ва бошқа ижтимоий фондлар 5,1 фоизни, банклар ва бошқа кредит ташкилотлари 2,6 фоизни, суғурта ташкилотлари 1,3 фоизни ташкил этган. Бу тақсимланиш турли соҳалардаги корхоналарнинг мажбурий аудитдан ўтиш эҳтиёжини акс эттиради ва аудиторларнинг кенг малака доирасига эга бўлиши зарурлигини кўрсатади.

«Катта тўртлик» халқаро аудиторлик ташкилотлари жаҳон аудиторлик хизматлари бозорида етакчи ўринни эгаллайди. «Deloitte», «PwC», «Ernst & Young» ва «KPMG» компаниялари асосий фаолият тури аудиторлик текширувлари бўлса-да, уларда профессионал хизматлардан олинган ялпи даромад салмоқли ўринни эгаллайди. Солиқ, консалтинг ва бошқа хизматларни кўрсатиш орқали бу компаниялар йирик даромадларга эга бўладилар.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 25 февралдаги «Аудиторлик фаолияти тўғрисида»ги ЎРҚ-677-сон Қонуни. <https://lex.uz>
2. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги маълумотлари. <https://www.mf.uz/ru/auditorskaya-deyatelnost.html>
3. Исаев А.А. Правовое регулирование оказания аудиторских услуг по законодательству Российской Федерации. Диссертация на соискание ученой степени кандидата юридических наук. Москва, 2015.
4. Чепурнова Е.И. Повышение качества оказания аудиторских услуг. <https://economy-lib.com/povyshenie-kachestva-okazaniya-auditorskih-uslug>
5. Марфина А.А. Субъекты аудиторской деятельности. Диссертация на соискание ученой степени кандидата юридических наук. Москва, 2019.
6. Анохова Е.В. Развитие системы регулирования сферы аудиторских услуг в России. Научная статья.
7. Сатторов А. Аудиторлик фаолиятининг кўп поғонали тизимини такомиллаштириш. Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори диссертацияси автореферати. Тошкент, 2020.
8. Deloitte Global Annual Report 2024. <https://www2.deloitte.com/global>
9. PwC Global Annual Review 2024. <https://www.pwc.com/gx/en/about/global-annual-review>
10. EY Global Report 2024. https://www.ey.com/en_gl/news
11. KPMG Global Annual Report 2024. <https://home.kpmg/xx/en/home/media/press-releases>